

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биносини Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси Давлат органлари объектларини кўриқлаш бўйича бошқармаси 1-батальони шахсий таркиби билан кўриқлаш тўғрисида

ШАРТНОМА № 1

2022 йил «17» январ

Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси Давлат органлари объектларини кўриқлаш бўйича бошқармаси номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси Давлат органлари объектларини кўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи в.б. Д.Р.Шукуров (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан ва иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Низом асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биноларидан фойдаланиш бошқармаси давлат муассасаси бошлиғи Карабаев Хикматилла Рахматиллаевич (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади), «худудий Идоралараро комиссиянинг 2021 йил 23 ноябрдаги 643*-сон далолатнома»си ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагилар хақида мазкур шартномани туздилар:

1.Шартнома предмети.

1.1.«Ижрочи» Тошкент шаҳри Миробод тумани, И.Каримов кўчаси 9 ва 11-уйларда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биноси **10 та 24 соатлик, 1 та 16 соатлик, 1 та 12 соатлик жами 12 та** тоифаланган постлари орқали ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш хонасига **1 та 24 соатлик ва 1 та 12 соатлик жами 2 та** тоифаланмаган худудларини Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси Давлат органлари объектларини кўриқлаш бўйича бошқармаси 1-батальони шахсий таркиби томонидан кўриқлашни амалга оширади.

1.2. Объектларни «Ижрочи» учун қўшимча сафдор-ходим постини ташкил этиш ёки уни камайтириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июл кунидаги Қарори билан тасдиқланган Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома)нинг 36 ва 37 бандларига асосан амалга оширилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. «ИЖРОЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1.1. Кўриқлаш хизмати амалдаги хизмат «Кўлланма»си талаблари асосида объектларни ишончли кўриқлашни, шунингдек мудофаасини ташкил этилишини амалга оширади.

2.1.2. Сафдор-ходим постларини «Ижрочи» ва «Буюртмачи» ўртасида ташкил этилган ҳайъат аъзолари томонидан тузилган далолатномада қайд этилган шахсий таркиб билан таъминлайди ва хизматни ушбу далолатнома асосида ишлаб чиқилган «Постлар жойлашуви» тузилмасига мувофиқ ташкил этади.

2.1.3. Назорат - ўтказиш пунктларида (НЎП) объектлар худудига ходимлар ва бошқа фуқороларнинг кириб-чиқишлари тартибини «Буюртмачи» томонидан жорий этилган ва «Ижрочи» хизмати томонидан тасдиқланган (келишилган) ички йўриқномага асосан таъминлайди.

2.1.4. «Ижрочи» Буюртмачи томонидан хизмат давомида фойдаланиш учун ажратилган асбоб-анжом, техник мослама, телефон аппаратлари, оргтехника мосламалари, хизмат хоналари, улардаги мебелларнинг ва бошқа жиҳозларнинг бутлигини ҳамда улардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни таъминлайди.

2.1.5. «Ижрочи» томонидан қўриқловга қабул қилинган бинолар, ҚЎОТ воситалари билан жиҳозланган ва Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасида фаолият юритаётган марказлаштирилган мониторинг марказига топширилган хизмат хоналари, ҳамда бошқа объектларига турли сабабларга (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) кўра зарар етказилган тақдирда, ушбу зарарни етказилишида «Ижрочи»нинг айбдорлиги қонуний йўл билан тасдиқланса, «Ижрочи» амалдаги қонунларга асосан етказилган моддий зарарни қоплайди.

2.1.6. «Ижрочи»га ажратилган хизмат хоналарини, объектда ўрнатилган ҚЎОТ воситаларини, инженер техник ва мудофаа объектларини, алоқа воситалари ҳамда ёритиш мосламаларини таъмирлаш юзасидан «Буюртмачи» раҳбарларига ўз вақтида ёзма равишда мурожаат этади.

2.1.7. Қўриқлаш хизмати раҳбарлари сафдор-ходим постларида шахсий таркиб хизматини ташкил этади ва уни олиб борилишини назорат қилади.

2.1.8. Қўриқловдаги объектлар ҳудудида ходимлар ҳамда фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик ҳолатлари бўйича айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан чора кўради.

2.1.9. Объектлар ҳудудига кириш, чиқиш ва ички режим, бинолар ва ҳудудни қўриқлашни ташкил этишга оид «Йўриқнома» ва унинг талабларини барча ходимлар томонидан бажарилишини назорат қилади.

2.2. «БУЮРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.2.1. Қўриқлов хизматига жалб этилган сафдор-ходим ходимларининг хизмат эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 01 июлдаги ПҚ-2197*-сонли Қарори билан тасдиқланган Йўриқномага асосан ҳудудий Идоралараро комиссия томонидан тузилган далолатномада кўзда тутилган талабларга мувофиқ хизмат хоналари ажратади.

2.2.2. Объектлардаги сафдор-ходим хизмати хоналари ҳамда 1-постни шаҳар телефон тармоғи ва ички (тўғридан-тўғри) алоқа воситаси билан таъминлайди. Қолган сафдор-ходим постлари учун ички алоқа воситаси ажратади ҳамда постларни лозим бўлган анжомлар ва иситиш мосламалари билан жиҳозлайди.

2.2.3. Объектлар ҳудудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказиш вақтида, қўшимча постлар қўйилиши лозим бўлган тақдирда, «Буюртмачи» маъмурияти бу ҳақда «Ижрочи»га 15 кун аввал қўшимча постлар ташкил этиш учун вақтинча шартнома тузиш юзасидан мурожаат этади.

2.2.4. «Буюртмачи» Тоифаланган объектларнинг Йўриқномасининг 9-иловасига мувофиқ «Ижрочи» билан келишилган ҳолда ички режимни тартибга солувчи кириш-чиқиш «Йўриқнома»сини ишлаб чиқади.

2.2.5. «Буюртмачи» Тоифаланган объектларнинг Йўриқномаси талаблари асосида белгиланган муддатларда ўрганилиб тузилган ҳудудий Идоралараро комиссия далолатномаси мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва қайд этилган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этади.

2.2.6. Телефон алоқалари, қўриқлаш мосламалари ва ёнғиндан хабар берувчи техник воситалар уланган электр тармоқларининг талабга жавоб берадиган ва техник

жихатдан соз бўлиши учун уларни ўз вақтида техник кўриқдан ўтказди ва таъмирлайди.

2.2.7. Фавқулдда вазиятларда шахсий таркиб хизматини ташкил этиш эҳтиёжлари учун автотранспорт воситаларини ажратади ва лозим бўлган вазиятларда оммавий қирғин қуролларидан сақланиш учун фуқоро муҳофазасини таъминлаш мақсадида объектлардан жой ажратади.

2.2.8. Объектлар худуди ва унинг атрофини тунги вақтда электр чироқлари билан етарли даражада ёритилишини таъминлайди.

2.2.9. Пост хоналари, «Ижрочи» хизматига ажратилган хизмат хоналари, улардаги мебель ва жиҳозларни, ҚЎОТ воситаларини, инженер техник ва мудофаа объектларини, алоқа воситалари ҳамда ёритиш мосламаларини таъмирлаш ишларини бажаради.

2.2.11. Кўриқловга топшириладиган хона ва омборхоналарнинг жойлашуви ўзгаргани ҳақида «Ижрочи»ни дарҳол хабардор этади.

3. ШАРТНОМАНИНГ ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ШАРТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Халқ қабулхонасининг тоифаланган ва тоифаланмаган объектларининг мазкур шартноманинг 1.1.бандида кўрсатилган ишончли кўриқлови ва мудофааси учун ташкил этилган **12 та** тоифаланган, **2 та** тоифаланмаган сафдор-ходим постлари учун 2022 йил 1 январь кунидан 2022 йил 31 март кунига қадар 3 (уч) ойлик учун ҳаражатлар 2 385 745 560 (*икки миллиард уч юз саксон беш миллион етти юз қириқ беш минг беш юз олтмиш*) сўмни ташкил этади ҚҚС сиз.

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан ойлик маошлар оширилганда, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда, тақдим этилган тарифларга кўра, мазкур Фармон кучга кирган кундан бошлаб маошларини ошириш, сафдор-ходимларнинг ойлик маошлари, ҳамда бошқа ҳаражатлар нарҳи оширилганда ёки камайганда шартноманинг тўлов-ҳисоби қайтадан кўриб чиқилади ва шунга мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

3.2. «Ижрочи»нинг хизмати учун ҳисоб-китоблар мазкур шартнома асосида ҳар ойда бажарилган ишлар ҳақидаги «Буюртмачи»нинг муҳофаза хизмати бўлими ва раҳбарияти томонидан тасдиқланган далолатнома ва тақдим этилган ҳисоб варақаси бўйича амалга оширилади.

3.3. Жорий ой учун тўлов ушбу ойнинг 10-санасигача ойлик тўлов қийматининг 100 % (фоизи) миқдоридаги «Ижрочи»нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қолган ҳар ойлик тўловнинг 100 % (фоизи) келгуси ойнинг 10-санасигача тегишлилиги бўйича имзоланадиган ҳисоб варақаси (счёт фактура) бўйича «Ижрочи» ҳисобига ўтказилади.

Ушбу бандда кўрсатилган маблағлар тегишлилиги бўйича молиялаштириш очилгандан сўнг «Буюртмачи» томонидан «Ижрочи» ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. «Буюртмачи»нинг шартнома асосида кўриқловга топширилган бинолари, хизмат хоналари ва бошқа объектлар даҳлсизлигини таъминлаш жараёнида зарар

етказилган тақдирда «Ижрочи» Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. Қўриқланаётган объектларнинг раҳбарлари ва муҳофаза хизмати ходимлари «Ижрочи» хизмати вакиллари ялб қилган ҳолда ўтказилган текширув вақтида, қўриқловдаги объектлар ҳудудида махсус рухсатномаси бўлмаган шахслар, шахсий ва бегона транспорт воситаларини шунингдек, сафдор-ходимнинг хизмат постида сабабсиз бўлмаган ҳолатлар аниқланса, ҳар бир ҳолат юзасидан алоҳида, объектдаги «Ижрочи» хизмати раҳбари иштирокида далолатнома тузилади ва зарурий тақдимнома билан тегишли чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси раҳбариятига юборилади.

Сафдор-ходимнинг хизмат постида сабабсиз бўлмаганлиги тасдиқланган тақдирда қўриқлаш ишлари талаб даражасида таъминланмаган деб топилади ва сафдор-ходимнинг постни қаровсиз қолдирган вақти учун тўловлар амалга оширилмайди.

4.3. «Буюртмачи»нинг объектларида қўриқлаш хизматининг масъул ходими, «Буюртмачи»да ўтказиладиган хизмат мажлисига алоҳида таклиф этилган тақдирда қатнашиши шарт. Таклиф этилган йиғилишда қўриқлаш хизмати вакили сабабсиз қатнашмаган тақдирда, бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома юборилади.

4.4. Мазкур шартномада кўрсатилган сумманинг «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги ҳолатида «Буюртмачи» «Ижрочи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50% ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.5. Агар «Ижрочи» шартномада белгиланган хизматларни ўз вақтида ва тўлақонли бажармаса, ҳар бир кун учун ойлик тўловининг 0,4 % миқдорида аммо ойлик тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5. ФОРС - МАЖОР ХОЛАТЛАРИ:

5.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, тарафлар жавобгарликдан озод этилади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

6.1. Ушбу шартнома ҳар иккала томон раҳбарлари томонидан имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ҳақиқий ҳисобланади. Агар томонларнинг бир-бирига ўзаро даъволари бўлмаса ва шартномасининг амал қилиш муддати тугашдан бир ой олдин ўзаро муносабатларни тўхтатиш борасида хоҳишларини билдирмасалар бундай ҳолда шартнома муддати сўнги календарь йил муддатига узайтирилган ҳисобланади.

6.2. Мазкур шартномага ўзгартиришлар фақат ҳар иккала томон раҳбарларининг ёзма розилиги билан киритилиши мумкин.

6.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан «Буюртмачи»ни ёки «Ижрочи»ни қайта ташкил этиш билан боғлиқ махсус қарор қабул қилинса, томонлар янги шартнома тузилгунга қадар, мазкур шартномага амал қилишлари шарт (бундай ҳолатда «Ижрочи» ишларини молиявий таъминлаш уч ойдан ошмаслиги ва шу муддат ичида янги шартнома тузилиши керак).

6.4. Мазкур шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

6.5. Тоифаланган объектлар Йўриқномасининг 9-иловасига мувофиқ «Ижрочи» билан келишилиб тасдиқланган ички режимни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш хонаси объектлари ҳудудига кириш, чиқиш ва ички режим, бинолар ва ҳудудни қўриқлашни ташкил этишга оид «Йўриқнома» ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.6. Шартнома бандлари талаблари бўйича ёки амалдаги миқдор ва кўрсаткичларда тегишли тартибда ўзгаришлар юзага келмаса, шунингдек «Буюртмачи» ҳамда «Ижрочи» томонидан ушбу тақлифлар хат асосида томонларга тақдим қилинмаса шартнома муддати кейинги йилга яна шу муддатга (1(бир) йилга) узайтирилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНҚДАГИ ХИСОБ РАҚАМЛАРИ.

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биноларидан фойдаланиш бошқармаси давлат муассасаси бошлиғи

Д.Р.Шукуров

Х.Р.Карабаев

202__ йил «__» _____

202__ йил «__» _____



"ТАСДІКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий
Гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси
Давлат органлари объектларини қўриқлаш
бўйича бошқарма бошлиғи

Д.Р.Шуккуров

2022 йил



"КЕЛИШИЛГАН"

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Биноларидан
Фойдаланиш бошқармаси Давлат
муассасаси бошлиғи

Х.Р.Қарабаев

2022 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати девони мазмурий биносини қўриқлаш юзасидан
ХИСОБ-СМЕТА

№	Ой номи	Ойдаги хушлар сони	9 бирлик 24 соатлик постлар сони	9 бирлик 16 соатлик постлар сони	6 бирлик 24 соатлик постлар сони	6 бирлик 12 соатлик постлар сони	Постлар сони	Бир ойда битта постнинг қўриқлаш вақти (соат)	Бир ойда қўриқлаш вақти постлар бўйича (соат)	Бир соатлик қўриқлаш наرخи (сўм) 6 бирлик	Бир соатлик қўриқлаш наرخи (сўм) 9 бирлик	Бир ойлик қўриқлаш нархи (сўм) 9 бирлик	Бир ойлик қўриқлаш нархи (сўм) 6 бирлик	Бир ойлик қўриқлаш наرخи жами (сўм)
1	2	3						8	9	10				12
1	январь	31	10,5	1	1	2	15	496	744	58 304	88 469	735 000 452	86 756 352	821 756 804
2	февраль	28	10,5	1	1	2	15	448	672	58 304	88 469	663 871 376	78 360 576	742 231 952
3	март	31	10,5	1	1	2	15	496	744	58 304	88 469	735 000 452	86 756 352	821 756 804
Жами		90												2 385 745 560

Жами : Икки миллиард уч юз саксон беш миллион етти юз қирқ беш минг беш юз олтмиш сўм

Қағга муҳандис иқтисодчи

Р.М.Ибрагимов